

БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Атаниязов Жасурбек Хамидович,
ТМИ доценти, и.ф.н.

E-mail: jasurbek156@gmail.com

Аннотация: Мақолада миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминловчи илмий-техник ва инновацион сиёсат самарадорлигини ошириш ва капиталлар интеграциясига йўналтирилган ҳолда молия-саноат соҳаларини ривожлантиришнинг қатор чора-тадбирлари ёритилган.

Аннотация: В данной статье представлен ряд мер развития финансово-промышленных сферы, направленных на интеграцию капиталов и повышение эффективности научно-технической и инновационной политики, обеспечивающей устойчивый рост национальной экономики.

Abstract: This article describes a number of measures of development of financial-industrial spheres, aimed at the integration of capital and increase of efficiency of scientific-technical and innovative policy to ensure sustainable growth of the national economy.

Калит сўзлар: шўъба жамият, инновацион иқтисодиёт, прогнозлаштириш, интеграция, моделлаштириш.

Кириш

Жаҳон тажрибасидан кўрадиган бўлсак банк-молия тизими ва саноат тармоқларининг мустаҳкам интеграцияси миллий иқтисодиёт барқарорлиги ошишида ҳамда унинг тармоқларида инновацион фаолликнинг юксалишида хизмат қилади.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш орқали инновацияларни ишлаб чиқиш ва иқтисодиёт тармоқларига кенг кўламда жорий этиш бўйича юқори натижаларга эришилмоқда. Хусусан иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланаётган мамлакатларда айнан молия ва саноат капитали интеграцияси асосида юзага келган корпоратив тузилмалар фаолияти иқтисодиёт тармоқларида инновацион фаолликнинг ошишида муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш нафақат молиявий ташкилотлар фаолияти учун қулай шароит яратади, балки саноат корхоналари томонидан мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда юқори самарадорликка эришиш жараёнини кучайтиради.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан кўрадиган бўлсак, янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, товар ва хизматлар бозорини кенгайтириш ҳамда рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун иқтисодий интеграция орқали ўзларининг моддий ва номоддий активларини тўлиқ ёки

қисман бирлаштирган асосий ва шўъба жамиятлари сифатида фаолият кўрсатувчи юқори интеграциялашган корпоратив тузилмалар кенг тарқалган. Мазкур интеграциялашган корпоратив тузилмаларнинг кенг тарқалган шакли сифатида молия-саноат гуруҳлари намоён бўлади. Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш билан биргаликда миллий иқтисодиёт барқарорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Молия-саноат гуруҳлари шаклланиши ва ривожланишининг жаҳон тажрибаси кўрсатишича, улар молиявий муассасалар ва саноат корхоналари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, юқори илмий сиғимли ишлаб чиқариш тармоқларини барқарор ривожлантириш ҳамда мамлакат инновацион салоҳиятини юксалтиришнинг таъсирчан инструменти бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашда аввало иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ҳамда бу жараёнда молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, бу борада мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз, “Биз аввало иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштиришимиз керак”[1].

Иқтисодиётда интеграцион жараёнларнинг зарурийлиги ва мақсадга мувофиқлиги бирлашиш натижасида юзага келадиган самаранинг иштирокчилар ўртасида тақсимланиш механизмларининг нақадар мувофиқлаштирилганлиги билан белгиланади. Чунки, алоҳида иштирокчиларнинг гуруҳга жалб этишда ва улар манфаатларини ҳисобга олишдаги номувофиқлик иқтисодиётда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат, истикболда молия-саноат гуруҳлари фаолиятини барқарор ривожлантиришда ҳам жиддий тўсиқ бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Банк-молия тизими ва саноат тармоқлари интеграциясини таъминлаш орқали интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш масалалари кўплаб хорижий иқтисодчи олимлар томонидан махсус илмий тадқиқот сифатида ўрганилган бўлиб мазкур тадқиқотлар муҳим илмий ёндашувларга эгадир. Жумладан, М.Бендиков илмий сиғимли ишлаб чиқаришларни инновацион ривожлантиришда интеграциялашган тузилмаларнинг юқори имкониятга эгаллигини асослаб берган [3].

Е.Рудцкая ва Е.Хрусталева молия-саноат гуруҳларини шакллантириш орқали янгиликларни яратиш ва уларни инновацияларга татбиқ этиш, шунингдек инновацияларни капиталлаштириш ва ишлаб чиқариш тармоқларига жорий қилиш орқали иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини ошириш бўйича самарали механизмни яратиш хусусида тўхталиб ўтган [8].

О.Хрусталева корхоналарнинг инновацион фаолиятини молиявий таъминлаш ҳамда инвестицион лойиҳалар иштирокчилари иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришнинг молиявий методлари хусусида тадқиқотлар олиб борган ҳолда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш

орқали мазкур масалаларни ижобий ҳал этиш мумкинлигини асослаган. Шунингдек, илмий сиғимли ишлаб чиқариш мажмуасида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантиришнинг моделларини ишлаб чиққан.[10,11,12]

С.Ларин эса инновацион тизимларнинг мақсадли инфратузилмасини шакллантириш ва унинг фаолиятини рағбатлантиришда молия ва солиқ сиёсати инструментларининг ўрни хусусида тадқиқотлар олиб бориб уларнинг тизимли таркибини ишлаб чиққан [6].

В.Дементьев молия-саноат гуруҳлари доирасида ягона илмий-техникавий ва инвестициявий сиёсатни шакллантирилиши ва юритилиши натижасида инновацион салоҳиятнинг ошишини ҳамда гуруҳга кирувчи корхоналар фаолиятнинг диверсификацияланганлиги доимий равишда инновацияларни яратиш ҳамда амалиётга жорий этишни рағбатлантиришини асослаб берган [5].

Тадқиқот методологияси

Молия-саноат гуруҳлари иштирокчилари ўртасидаги манфаатлар тенглигини таъминлашда молия-саноат гуруҳларини модели таҳлил этишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда асосий масала гуруҳ бўйича ҳамкорларнинг янги маҳсулотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, шунингдек молия-саноат гуруҳлари инновацион фаолиятини молия-кредит ташкилотлари томонидан молиялаштириш билан боғлиқ стратегик рақобатбардошлик афзалликларини белгиловчи молия-саноат гуруҳларининг инновацион жиҳатларини тадқиқ этишдан иборат бўлиши керак.

Банкнинг янги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона капиталида иштирок этиши унинг ушбу корхона маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришни молиялаштиришга бўлган манфаатдорлигини кучайтиради.

Молия-саноат гуруҳлари иштирокчилари ўртасида капитал бўйича алоқалар интеграциянинг салоҳиятини оширишга таъсир қилади, чунки интеграцион самаранинг ошиши барча иштирокчилар учун мақбул ҳолат ҳисобланади. Саноат корхоналари капиталида банк иштирокининг кўламини, кредитлашнинг оқилона механизмини белгилаш ҳамда янги ишлаб чиқаришни самарали молиялаштиришдаги шарт-шароитларни аниқлаш учун микдорий таҳлил зарурдир. Бу ҳолатда, банк ва саноат капитали интеграциясининг инновацион самарасини моделлаштириш масаласи муҳим ҳисобланади. Шартли равишда моделларнинг учта турини ажратиш мумкин: репрезентатив, регрессион ва концептуал.

Биринчиси моделга алоқаларнинг кенг кўламини жалб этишга, ташқи ва бошқариладиган параметрларни, турли омилларни моделда тўлиқ камраб олишга қаратилган бўлади. Бироқ моделлаштиришга қанча кўп алоқалар киритилса моделнинг асосланганлиги шунчалик олдинги алоқалар даражасига боғлиқ бўлади.

Регрессион моделлар эса статистик муҳим алоқаларни ифодалайди.

Концептуал моделлар иқтисодий ҳодисалар юзага келишининг муҳим жиҳатларини ажратиш асосида уларнинг хусусиятини ёритишга ва боғлиқлик хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради [7, 9].

Хорижий тажрибаларга кўра кўплаб иқтисодий тизимларда бошқариш вазифаларини мукаммал ишлаб чиқиш ва ҳал этиш муҳим масалалардан биридир, бундай тизимларни моделлаштириш тажрибаси молия-саноат гуруҳларининг репрезентацион моделларини ишлаб чиқишда қулай замин яратади. Ўзаро корпоратив алоқаларнинг мақсадга мувофиқ ташкил этилмаганлиги шароитларида тегишли ҳисоб-китоблар айланма маблағларни иқтисод қилиш, солиқ мажбуриятини оптималлаштириш нуктаи назаридан муҳим самара бера олади. Мураккаб шарт-шароитларда иқтисоднинг бундай тури кўпинча гуруҳланган корхоналар фаолиятини барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Қуйидагилар молия-саноат гуруҳларини модели таҳлил қилишнинг энг муҳим йўналишлари бўлиб ҳисобланади:

- инвестицион қарорларни молия-саноат гуруҳлари доирасида мувофиқлаштириш ва тегишли инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдан олинган фойдани тақсимлаш;
- акциядорлик, кредит ва кооперацион алоқаларни технологик занжир бўйлаб мувофиқлаштириш;
- молия-саноат гуруҳларининг инновацион афзалликлари;
- молия-саноат гуруҳлари гуруҳ иштирокчиларини ўзаро суғурталаш механизми сифатида;
- молия-саноат гуруҳлари иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусияти ҳамда манфаатларнинг гуруҳ доирасида мувофиқлаштирилганлиги;
- молия-саноат гуруҳларида мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан олинадиган унумдорликнинг ошиши.

Амалиётда молия-саноат гуруҳларининг ишлаб чиқариш ва инвестицион дастурларини амалга оширишда ресурслар айланиши билан боғлиқ интеграцион самарани моделлаштиришда кўпгина натижаларга эришилган. Молия-саноат гуруҳлари доирасида корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигида айланма маблағларни иқтисод қилишга баҳо берилади.

Молия-саноат гуруҳларининг стратегик афзалликларини амалга ошириш нуктаи назаридан ушбу тузилмаларда айниқса инвестицион ва инновацион жараёнларни тавсифловчи боғлиқликларни ифодалаш муҳимдир. Бундай жараёнларни моделлаштириш молия-саноат гуруҳлари фаолиятида стратегик масалаларни ечишда муҳим ўрин тутаяди.

Таҳлил ва натижалар

Молия-саноат гуруҳларида юқори илмий сиғимли ишлаб чиқаришларни ташкил этишда унинг молиявий томонларини самарали ташкил этиш муҳимдир. Замонавий тадқиқотларга мувофиқ бир қатор илғор хорижий мамлакатларда технологик муносабатларда ва бутун жаҳон хўжалигида иқтисодий ўсишнинг инновацион тури асосий ўринда туриши тасдиқланди. Унинг асосида илмий янгиликларни яратиш ва уларни инновацияларга татбиқ этиш тизими, шунингдек инновацияларни капиталлаштириш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш механизмлари ётади. Ушбу механизмларнинг самарадорлиги иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини ҳамда хўжалик

тизимда янгиликларни яратиш ва амалиётга жорий этиш имкониятини белгилайди. Молия-саноат гуруҳлари фаолиятида айнан юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этишда қулай шароитлар мавжуддир [3, 4, 8].

Молия-саноат гуруҳлари шаклланиши ва ривожланишининг жаҳон тажрибаси кўрсатишича, улар молиявий муассасалар ва саноат корхоналари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, юқори илмий сиғимли ишлаб чиқариш тармоқларини барқарор ривожлантириш ҳамда мамлакат инновацион салоҳиятини юксалтиришнинг таъсирчан инструменти бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, жаҳон иқтисодиётида молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг қуйидаги моделлари кенг тарқалган, яъни: англо-америка, германия, лотин ва япон.

Англо-америка модели Буюк Британия, АҚШ, Австралия ва Канада мамлакатларида амал қилади. Ушбу мамлакатларда саноатлаштиришнинг негизи бўлиб тадбиркорлик асосида капитал тўплаш механизми ҳисобланади. Капитал институционал акциядорларнинг (банклар, суғурта компаниялари ва пенсия фондлари) маблағлари ҳисобидан шаклланиб алоҳида ва мустақил акциядорлар механизми орқали фаолият юритади.

Германия модели Германия ва Австрияда амал қилиб, йирик ҳамда ўртача корпорацияларнинг молиявий асосини банк тизими ташкил қилади, бунда алоҳида акциядорларнинг роли унчалик аҳамиятли эмас. Германия моделининг банк механизми корпоратив муносабатлар тузилмасида молия ва саноат тармоқлари ўртасидаги узоқ муддатли инвестиция муносабатларига йўналтирилган. Ушбу моделда банклар ташқи молиялаш манбаларига эҳтиёж сезаётган компаниялар учун қарз капиталини етказиб берувчи ҳисобландилар.

Германия анъаналарининг муҳим хусусияти банк билан саноатнинг ўзаро узвий алоқалари билан белгиланади. Молиявий, акциядорлик, шунингдек, иш алоқалари асосида молия институтлари билан саноат корхоналарининг тармоқлараро интеграциясида барқарор горизонтал молия-саноат бирлашмалари содир бўлади. Шунингдек, банклар фаолиятида гуруҳга кирувчи корхоналар фаолиятида истиқболли инвестиция лойиҳаларига, янги илмий-тадқиқот ишлари ҳамда инновацияларга йирик ҳажмда молиявий маблағлар ажратишга алоҳида аҳамият берилади.

Лотин модели эса, Франция, Бельгия ва Италия мамлакатларида амал қилади. Бу моделда яқка тартибдаги ва оилавий корпорациялар инвестиция компаниялари ва инвестиция банкларининг холдинглари томонидан бирлаштирилиши натижасида эркин корпоратив тармоқлар шаклида юзага келган.

Япон модели эса, инвестицияларни саноатга узоқ муддатга йўналтирилганлиги, молия ва саноат тармоқлари ўртасида яқин алоқаларнинг мавжудлиги билан характерланади. Япония банклари фақатгина кредит бериш билан чекланиб қолмасдан молия-саноат гуруҳларининг молиялаштириш ва ўзаро ҳамкорлик учрашувларини ташкил этади. Шунингдек, банк саноат корхоналарида юқори илмий сиғимли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни ҳамда инновацияларни яратиш жараёнини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш орқали миллий иқтисодиётда инновацион ривожланишнинг асосий афзаллик томонлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– молия ва саноат тузилмалари интеграцияси доирасида юқори иқтисодий самарага эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилади, мазкур ҳолат амалиётга инновацияларни кенг қўламда жорий этишни қўллаб-қувватлайди;

– молия ва саноат капитали бирлашиши натижасида молиявий ресурслар айланиши тезлашади ва бунинг натижасида корхоналарда инновацион фаолиятни молиявий таъминлашнинг юқори имконияти яратилади. Чунки, ҳозирги кунда иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатувчи корхоналар фаолиятида янги илмий тадқиқот ишланмалари ва инновацияларни жорий этиш масаласи бевосита молиявий ресурслар таъминотига тақалади. Молия-саноат гуруҳларини шакллантирилиши айнан юқоридаги масалани ижобий ҳал этишга қулай замин яратади;

– тузилма доирасида ягона илмий-техникавий ва инвестициявий сиёсатни шакллантирилиши ва юритилиши инновацион салоҳиятнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатади;

– молия-саноат гуруҳларида юқори илмий сиғимли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва бозорларни кенгайтириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этишни рағбатлантиради;

– ишлаб чиқариш корхоналарининг вертикал интеграциясида молия-саноат тузилмасининг афзаллиги сифатида технологик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ишлаб чиқариш бирликларининг ўзаро бирлашиши натижасида улар фаолиятининг такомиллашуви ҳамда молиявий барқарорлигининг ошиши намён бўлади. Шунингдек, бу ҳолат инновацион соҳада ҳам сезиларли даражада ижобий натижаларга эришишда муҳим ўрин тутди.

– гуруҳга кирувчи корхоналар фаолиятининг диверсификацияланганлиги доимий равишда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва инновацияларни яратиш ҳамда амалиётга жорий этишга йўналтирилган фаолиятни кучайтиришга ундайди.



1-расм. Молия-саноат гуруҳларида рақобат афзалликларининг фойда даражасига ўзаро ва аксинча таъсири

Ўзбекистон Республикасида илғор фан-технология ютуқларини ва инновацияларни иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш орқали миллий иқтисодиёт барқарорлигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунда инновацион асосларда иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштириш масаласи иқтисодиётни ривожлантиришнинг иккита асосий йўналишлари ҳаракатини бирлаштириш йўли билан ҳал этилиши лозим:

- самарали бозорни ташкил этиш, жумладан унинг янгиликларни кенг миқёсда яратилишини таъминловчи инновацион сегментини ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий технологияларни кенг тарқалиши учун қулай шароитлар яратиш асосида иқтисодиётнинг тузилмавий модернизациясини амалга ошириш.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев тўхталиб, “Биз, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни тадбиркорлик фаолияти билан бирлаштириш имкониятини берувчи амалий механизмни ташкил этишимиз

лозим. Бу эса, бир томондан, инновацион бизнесни ривожлантиришга имконият яратса, иккинчи томондан, илмий тадқиқотларнинг самарасини ошириш учун инвестициялар оқимини кўпайтиришни таъминлайди”[2], деб таъкидлаб ўтдилар. Бу йўналишда инновацион ишланмаларни sanoat корхоналари фаолиятига изчиллик билан жорий этиб бориш истиқболда маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда индустриал ва илмий-техник жиҳатдан ривожланган мамлакатлардаги бозор компаниялар, банклар ва молиявий воситачиларнинг барқарор мажмуаси сифатида ифодаланиши мумкин. Ушбу мажмуа учун молиявий ва ишлаб чиқариш кооперациясининг негизи сифатида ва рақобат кураши кўринишида унинг элементлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамда мураккаб алоқалар хусусиятлидир. Молия-саноат корпоратив тузилмалари доирасида маҳсулотлар ва технологияларни янгилаш жараёнида тўғри ва тескари алоқаларнинг умумий шаклини қуйидагича тасвирлаш мумкин. (2-расмга қаранг).



2-расм. Технологиялар ва маҳсулотларни янгилаш механизмида тўғри ва тескари алоқалар тузилмаси

Узоқ муддатли иқтисодий ислохотлар жараёнида бозор фаолиятининг юқори самарадорлигини қўллаб-қувватлаш иқтисодиётда тез суръатлардаги технологик жараёнларни таъминлашга йўналтирилган. Ушбу мақсадга энг аввало, янгиликларни яратиш ва тарқатиш соҳасида хўжалик фаолиятини бозор ҳамда марказлашган ҳолда тартибга солиш тизимларини бирхиллаштириш йўли билан эришилади.

Самарали ва барқарор фаолият кўрсатувчи корхоналар стратегик режалаштириш мақсадларига эришиши учун бошқаришнинг ўзаро боғлиқ бўлган масалаларини ҳал этишга алоҳида аҳамият бериши лозим. Булардан асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: бозорда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ҳамда унинг жорий ва истиқболдаги талабларига мослашиш; пул

маблағлари ҳамда ўзаро тўловларни оқилона ташкил этиш ҳисобига ишлаб чиқаришни инвестицион таъминлаш; маҳсулотларнинг рақобатбардошлик афзалликларини таъминлашда инвестицион, илмий-техник ва технологик имкониятларни ташкил этиш ва фойдаланишга, технологик қайта жиҳозланиш даражасини оширишга йўналтирилган илмий тажрибавий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш; нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш; кадрларнинг малакавий даражасини ошириш ва бошқалар.

Инновацион тизимларнинг мақсадли инфратузилмасини шакллантириш ва уни ташкил этувчи элементлар фаолиятини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ташаббускорликка ижобий таъсир кўрсатувчи молия ва солиқ сиёсатининг инструментлари билан тўлдирилиши керак [6, 11].

Давлат томонидан бевосита рағбатлантиришда зарур инфратузилмавий таъминотни шакллантириш ва корхоналар фаолиятида янгиликларни жорий этишга инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиладиган инструментлар тўпламининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бевосита чора-тадбирлар айниқса хусусий секторнинг эҳтиёжларига йўналтирилган ва корхоналар учун рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлса самарали таъсир кўрсатади. Ўзгарувчан шароитларга тезда мослашишга жавоб берадиган таркибий тузилма ва аниқ мақсадларга эришишга қаратилган стратегия ишлаб чиқилмаган ҳолатда улар пастроқ натижавийликка эга бўлади. Юқори эгилувчанликни талаб қилмайдиган чора-тадбирлар мажмуасидан фойдаланишда ижобий натижаларга эришилади.

Давлат томонидан бевосита қўллаб-қувватлаш жараёни қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

– саноат эҳтиёжларига йўналтирилган илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини ўтказишда тадқиқот муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

– инновацион соҳада банд бўлган илмий, муҳандис-техник ва ишчи ходимларнинг малака даражасини оширишни кучайтириш;

– хусусий секторда илмий тадқиқотларни мақсадли қўллаб-қувватлаш. Бунда асосий эътибор янги маҳсулот турларини яратишга мўлжалланган ва турли корхоналар томонидан биргаликда амалга ошириладиган илмий тадқиқотларнинг кооперацион лойиҳаларини ҳамда реал сектор корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилиши керак;

– фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш йўли билан инновацион фаолликни ошириш учун илмий-тадқиқот ресурсларини қайта тақсимлаш. Бу ҳолат, лизинг ва консалтинг марказлари, илмий ва технологик парklar, бизнес инкубаторларни шакллантиришга университет ва илмий тадқиқот институтлари ҳудудида корхоналарга ишлаб чиқариш майдонларини ажратишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши керак;

– ишлаб чиқиладиган янгиликлар ва бошқа ёрдамчи тадбирларни синовдан ўтказиш, маслаҳат хизматларини кўрсатиш, инновацион фаоллик ҳақидаги маълумотлар базасини ташкил этишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган воситачилик фаолияти. Бу фаолият молиявий ресурслар

етишмаслиги туфайли ёрдамчи хизматларга кучли эҳтиёж сезаётган кичик ва ўрта корхоналар манфаатларига мувофиқ амалга оширилиши керак;

– инновацион тизимларнинг мураккаб тузилмавий камчиликларини бартараф этишда қўлланиладиган ўзаро мувофиқлаштирилган инструментларини ишлаб чиқишнинг тизимли чора-тадбирлари. Булар ҳамкорликда фойда олиш учун битта занжирда ўзаро боғланган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни қўллаб-қувватловчи илмий муассасалар, компаниялар тармоғи каби инновацион кластер субъектлари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Сўнгги йилларда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда иқтисодий ривожланишни тартибга солишда либерал тамойилларни кучайтиришга қаратилган тенденциялар солиқ имтиёзлари кўринишида молиявий қўллаб-қувватлашнинг билвосита усулларида фойдаланишнинг сезиларли кенгайишига қулай шароит яратди. Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт тузилмасининг ривожланиш хусусиятлари, жумладан солиққа тортиш тизимидаги фарқланиш, шунингдек корпоратив қонунчилик, солиқ имтиёзлари беришнинг турли кўринишларини ишлаб чиқишни ва улардан инновацион тармоқларда самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Уларнинг мақбул кўринишларидан бири бўлиб илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари соҳасидаги капитал қўйилмаларга махсус солиқ имтиёзлари ҳамда амортизацион ажратмалардаги имтиёзлар ҳисобланади.

Бу борада муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “...илмий тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу масалада жиддий силжишга эришиш учун халқаро тажрибадан келиб чиқиб, пойтахтимизнинг Академиклар шаҳарчасида “эркин иқтисодий ҳудуд” мақомига эга бўлган, яъни барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод этилган ҳамда махсус валюта ва божхона тартиби асосида иш юритадиган инновация марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир” деган фикрлари мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир[2].

Таъкидлаш жоизки, инновациялар давлатнинг муҳим стратегик ресурсларидан биридир. Ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, янги саноат ва молия технологияларини жорий этиш, инновация-инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни сақлаш ва кўпайтириш, импорт ўрнини босадиган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, валюта захирасини тўплаш маълум даражада инновация фаолияти билан боғлиқдир. Инновацион ишланмаларни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантиришда молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш орқали интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш долзарб масала ҳисобланади. Чунки, молия ташкилотлари саноат корхоналарида инновацияларни амалиётга жорий этиш жараёнини молиявий жиҳатдан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан, жаҳон амалиётида молия-саноат гуруҳларининг инновацион салоҳияти юқори баҳоланади.

Мамлакатимизда юқори технологияли маҳсулотлар бозорида фаолият кўрсатишнинг халқаро тажрибаларига эга бўлган миллий корхоналар негизда маҳсулотларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш учун йирик инновацион маркетинг марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур марказлар ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ташкилотлар билан биргаликда жаҳон бозорларида юқори технология асосида ишлаб чиқарилган миллий маҳсулотлар иштирокини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқишлари лозим.

Миллий корхоналарнинг асосий фаолияти нафақат ички бозорни кенгайтиришга балки жаҳон мамлакатлари бозорларидан мустақкам ўрин эгаллашга ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига мазкур бозорларда уларнинг улушини оширишга йўналтирилиши керак.

Давлат томонидан инновацион марказлар тармоғи (Innovation Relay Centers - IRC) ва Европа бизнес-тармоғи (European Business Network - EBN) каби етакчи ўринда турувчи инновацион фаолиятнинг глобал тармоқларини ташкил этиш жараёнига мақсадли кўшилиш кўллаб-қувватланиши лозим.

Инновацион тадбиркорлик фаолияти янги соҳасининг юзага келиши ҳамда унинг бозор муносабатлари асосида ривожланиши молия ва саноат тузилмаларининг самарали интеграциясини, шунингдек янги тизим талабларига жавоб берадиган мутахассис-менежерларни талаб этади. Улар нафақат юқори илмий-амалий салоҳиятга эга бўлиши ҳамда инновацияларни яратиш бўйича миллий ва хорижий тажрибаларни кўллаш олиши, шу билан биргаликда янгиликларга бўлган эҳтиёжларни олдиндан кўра билиши ва рақобат шароитларида замонавий маркетинг усулларида фойдаланиш имкониятига эга бўлиши зарур. Асосийси улар инновацион лойиҳанинг тижорат самарадорлигини малакали иқтисодий-техник асослаш, унинг техник-технологик амалга оширилишига ҳамда янгиликлар истеъмолчисининг ишлаб чиқариш ва молиявий-иқтисодий шарт-шароитига оқилона баҳо бериш қобилиятига эга бўлиши лозим. Амалга оширилган тадқиқотлар интеграциялашган корхоналар фаолияти натижасида эришиладиган иқтисодий самаранинг муҳимлигини ва унинг миллий иқтисодиёт барқарорлигидаги ўрнини тасдиқлаб берди.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотлар асосида эришилган илмий натижалар асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

– Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш корхоналари ва тижорат банкларининг ўзаро интеграциялашуви нафақат бозорда умумий маркетинг ҳолатини мустақкамлаш балки мажбуриятларни тақсимлаш, корпоратив тартиб-қоидаларга риоя этиш, ҳар бир корхона манфаатларини ҳисобга олиб уларни бошқариш тизимлари ҳамда фаолият юритишининг стратегик мақсадлари ягоналиги асосида саноат, илмий-техник, технологик, молиявий ва интеллектуал салоҳиятлари бирлашишини англатади.

– Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил қилишда қуйидаги моделлардан фойдаланиш мумкин:

- Япония модели;
- Германия модели.

Ушбу икки моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, молия-саноат гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини асосан банклар бажаради. Шунингдек, мазкур моделларда банклар гуруҳлар доирасида юқори илмий сиғимли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган мақсадли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

– Ўзбекистонда молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш истиқболда корхоналарнинг кенг кўламдаги инновацияларни жорий этиш салоҳиятини оширади. Чунки, иқтисодиёт реал секторидаги корхоналарда инновацияларни жорий этиш жараёни бевосита молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжга тақалади. Мазкур масала молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш орқали ижобий ҳал этилади.

– Ишлаб чиқариш саноатидаги корхоналар ва молиявий институтлар интеграцияси асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, маҳсулотлар сотувчи, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи юқори интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш ва унинг доирасида юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш лозим.

– Ишлаб чиқаришнинг технологик даври ўзаро алоқадор бўлган саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг вертикал интеграцияси орқали холдинглар шаклидаги корпоратив тузилмаларни шакллантириш ва улардаги истиқболли лойиҳаларга банкларнинг инвестицияларини йўналтириш лозим. Мазкур интеграциялашган тузилмаларга ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи технологик ва кооперацион алоқадор корхоналарни жалб этиш ҳамда улар фаолияти такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини қамраб олишига ҳамда корхоналарнинг молиявий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳаларни жорий этишга алоҳида аҳамият бериш лозим.

– Мамлакатимизда инновацияларни иқтисодиёт тармоқларига кенг кўламда жорий этиш ва истиқболда юқори самарага эришишни таъминлаш мақсадида, инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш жараёнини назорат этувчи давлат органини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инновацион бозорнинг шаклланиши мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи, иқтисодиёт интенсив тармоқлари ривожланиш механизмида асосий элементлардан бўлиб малакали илмий-техник, технологик ва молиявий менежмент орқали қўллаб-қувватланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Шавкат Мирзиёевнинг

Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. //Тошкент оқшоми. №260 (13.323), 2016 йил 15 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқи. //Тошкент оқшоми. №247 (13.310), 2016 йил 25 ноябрь.

3. Бендиков М.А., Хрусталева О. Е. Об инновационном развитии наукоемких производств России // Материалы Международной научно-практической конференции «Разработка, оценка эффективности и реализации инвестиционных и инновационных проектов». Ташкент: IQTISOD-MOLIYA, 2006.

4. Бендиков М.А., Фролов И. Э. Высокотехнологичный сектор промышленности России: состояние, тенденции, механизмы инновационного развития. -М.: Наука, 2007.

5. Дементьев В.Е. Финансовые и имущественные основания стратегических преимуществ ФПГ. -М.: ЦЭМИ РАН, 1998.

6. Ларин С.Н., Хрусталева Е. Ю. Использование информационных ресурсов и технологий для стимулирования инновационного развития экономики // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2011, № 32.

7. Омельченко А. Н., Хрусталева Е. Ю. Концептуальная модель кредитно-инвестиционного потенциала банковской системы России // Деньги и кредит. 2011, № 4.

8. Рудцкая Е.Р., Хрусталева Е. Ю. Интеграционная методология инновационного развития наукоемких производств // Инновации. 2008, № 8.

9. Хрусталева Е.Ю. Методологические и теоретические основы гипертекстовой технологии моделирования экономических систем // Концепции. 2010, № 1–2.

10. Хрусталева О.Е. Модели и инструментарий формирования интегрированных структур в наукоемком производственном комплексе. -М.: МЭСИ, 2008.

11. Хрусталева О.Е. Финансовый анализ состояния наукоемких предприятий // Финансовая аналитика: проблемы и решения. 2011, № 32.

12. Хрусталева О.Е. Финансовые методы согласования экономических интересов участников инвестиционных проектов // Аудит и финансовый анализ. 2011, № 3.

13. Хрусталева О.Е., Хрусталева Ю. Е. Инструментальные методы оценки реализуемости наукоемкого инвестиционного проекта // Экономический анализ: теория и практика. 2011, № 27.